*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2015 йил
**6 июнь**
ШАНБА
**№ 45** (12785)

www.th.uz

## ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ



**Ҳар йили Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан бир қатор вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг асосий мақсади маслаҳатчилар зиммасидаги кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан иборат.**



Мазкур танловнинг вилоят босқичи вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлардан 1-ўринга сазовор бўлган 18 маслаҳатчи 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар. Дастлаб маслаҳатчиларнинг маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, ибратли урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексалар, айниқса, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш каби йўналишлар бўйича ҳудудларда амалга ошираётган ишларига эътибор қаратилди. Улар фаолиятида учраётган турли масала ва муаммоларнинг ечими борасида иштирокчиларнинг билим савияси, дунёқараши савол-жавоб асосида синовдан ўтказилди.

Шунингдек, маслаҳатчилар ўзларининг иқтидори, истеъдоди, кундалик ҳаётда, иш фаолиятида учраб турадиган турли вазиятлардан чиқиб кета олишлари, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини намоён этдилар.

Тадбир давомида фуқаролар йиғинлари фаолияти ҳамда ҳудудда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандлар ишларига доир кўргазма ҳам намойиш этилди.

Танлов якунига кўра, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласи маслаҳатчиси Фарида Ҳайитматова 1-ўринга лойиқ, деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этишга йўлланма берилди.

Танловнинг барча шартларида юқори ўринларни қўлга киритган маслаҳатчилар махсус диплом ва "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг, номинациялар бўйича ғолиблар эса ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Қобилжон FОФУРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ III СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг III сессияси 2015 йил 9 июнь куни соат 10.00 да чақирилсин.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМАНОВ.**

2015 йил 4 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРАҚҚИЁТИ – ЭКСПЕРТЛАР ЭЪТИБОРИДА

**Тошкентда парламент демократиясини ривожлантириш бўйича миллий тажриба ва халқаро амалиёт муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти ва Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда парламент аъзолари, давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимиз сиёсий тизими барқарор ва жадал ривожланаётгани, икки палатали парламентнинг профессионал фаолияти, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори С. Хўжаева ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий парламентаризмни ривожлантириш мамлакатимизни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши самарасида марказ ва жойлардаги қонунчилик ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ва назорат вазифалари кучайтирилаётир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Ушбу концепция асосида Конституциямизнинг қатор моддаларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайлов давлат ва жамият ишларини бошқаришда сиёсий партияларнинг роли сезиларли равишда ошганини кўрсатди. Сайлов якунлари бўйича парламент қуйи палатасида энг кўп ўрин олган партия Бош вазир номзодини кўрсатди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг парламент назорати каби муҳим вазифаси ҳақида ҳам сўз юритилди. Бу ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими фаолият кўрсатишининг самарали механизмидир. Масалан, бугунги кунда Олий Мажлис мамлакатимиз ҳукуматининг тақдимотига кўра, ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб тасдиқламоқда, ушбу дастур бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Тадбир қатнашчилари эътиборига мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида шу йилнинг март ойида ташкил этилган Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг тақдимоти ҳавола этилди. Давлат бошқаруви ва жамият қурилишини демократлаштириш, сўз эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш институт фаолиятининг асосий йўналишлари экани қайд этилди.

Давра суҳбатида парламент демократиясини ривожлантириш бўйича халқаро тажриба кўриб чиқилди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Шундайлар бор бўлсин

**Халқимизнинг ҳамиша юрт ишига камарбаста, ўз вазифа ва бурчига садоқатли, фидойи фарзандлари кўп. Улар орасида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи, Ватанимизнинг юксак мукофоти: "Фидокорона хизматлари учун" ордени нишондори Зарифа Эшмирзаеванинг алоҳида ўрни бор. Зеро, 60 йиллик умр, 40 йиллик заҳматли меҳнат самаралари вилоятимиз тарихи, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёти саҳифаларини бойитиб турибди, десак муболаға бўлмас.**

### ТОҒУ ТОШЛАРДА ПОЮ ПИЁДА

Зарифахон Ўзбекистон "Ёдгорлик" жамияти вилоят бўлимида котиба, экскурсовод, маслаҳатчи, масъул котиб, кейинчалик раис ўринбосари вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилиб, эътиборга тушди. Натижада, мустақиллик шарофати билан "Олтин мерос" дея қадр топган меросимиз, азалий урф-одат, анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, асраб-авайлаш, тарихий, маданий ёдгорлик ва осориатиқаларимизни қайта тиклашни мақсад қилган ташкилотга раҳбарлик ишониб топширилди. Ва бу масъулиятли вазифа қарийб 20 йилдан буён Зарифа опанинг яхши маънода "тинчини ўғирлаган" дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб бердилар

### «ЮРГАН ЙЎЛИНГИЗНИНГ ЧЕТИГА ҚАРАНГ»

Газетанинг шу йил 30 майдаги 42-43-сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада, «Тошкент – Бекобод» йўлининг икки томонидаги нохуш манзаралар, хусусан, йўл кўрсаткичлари эскириб, ранги ўчиб, синиб, кўчиб ётгани шунингдек, фермер хўжаликлари ҳудудига ўрнатилган банерлар қийшайиб, ёғинлар таъсирида ўқиб бўлмайдиган ҳолга келгани баён этилганди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан Бекобод тумани ҳокимлигининг биринчи ўринбосари Х. Абдушукуров имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади: "Мақолада баён этилан фикр-мулоҳазалар туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, унда келтирилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ва мутасадди раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди. Мақолада кўрсатилган "Янги ҳаёт" фермерлар уюшмаси ҳудудидаги бекатни фуқаро Фаруддин Қўшназаровга замонавий архитектура ва қурилиш талабларига мос дўконли бекат қуриш учун рухсат бериш чоралари кўрилмоқда. "Деҳқонобод" фермерлар уюшмаси ҳудудидаги бекатни қайта қуриш учун тегишли ташкилотларнинг хулосалари ҳамда техник шартлари олинмоқда. Бундан ташқари, мақолада кўрсатилган йўл белгилари ва фермер хўжаликлари банерларини алмаштириш тўғрисида фермер хўжаликлари ҳамда туман йўл хўжалиги раҳбарлари огоҳлантирилиб, кўрсатмалар берилди".

Хусусий тадбиркорлик

### ИҚТИСОДИЁТДА ЕТАКЧИ КУЧ

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Бекобод шаҳар ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Шерали Исмоиловнинг айтишича, шаҳардаги 503 та тадбиркорлик субъектининг 320 тасини бевосита аёллар бошқармоқда, 375 хотин-қиз эса якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Шуниси қувонарлики, уларнинг кўпчилиги миллий ҳунармандчилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, бозорларимизни тўлдиришмоқда.**

Шундай аёллардан бири "Ташаббус – 2015" кўрик-танлови вилоят босқичида ҳунармандчилик йўналиши бўйича ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олган Мавлуда Андаевадир. У чеварликни онаси Салима опадан ўргангани, уйда каштачилик билан шуғулланиб келгани, мустақиллик туфайли 1996 йилдан кенг фаолият юрита бошлаганини мароқ билан таъкидлайди:

– Миллий каштачилик анъаналари асосида сўзаналар, кўрпача ва ёстиқлар тикардим. Кейинчалик, аёллар учун кашта билан безатилган оёқ кийимлари ва чарм сумкачалар тайёрлашни йўлга қўйдим. Натижада мижозларим кўпайди. 2012 йили Туркиянинг Анқара, 2013 йилда Бурса шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этдим.

Мавлуда кейинги уч йил ичида 60 миллион сўм соф фойда олишга эришиш билан бирга, шаҳар ёшларидан 45 нафарига миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатди. Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 7 нафарига устозлик қилмоқда.

– Болалигимдан шу касбни ўрганишга қизиқардим, – дейди Нодира Исхоқова. – Мавлуда опанинг ёрдами билан бичиш-тикишга қўлим анча келишиб қолди. Келгусида шу соҳада ўз бизнесимни йўлга қўйиш ниятидаман.

Шаҳардаги "Шарқона дизайнер" фирмаси раҳбари Феруза Эркўзиева ҳам фаолиятини якка тадбиркорликдан бошлаган. Бугунги кунда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича корхона етакчиси. Ҳозирча 10 киши ишлаётган бу жамоада болалар футболкаси, аёллар ва иш халатлари, чойшаблар ҳамда энг замонавий пардалар тикилмоқда.

– Шаҳримиз ҳамда тумандаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари концерт залларининг замонавий дизайндаги пардалари, кичкинтойларнинг рақс кийимларини биз тайёрлаб берганмиз, – дейди Феруза. – Шунингдек, корхона мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларини чойшаб ва бошқа юмшоқ жиҳозлар билан таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда).

Суд-ҳуқуқ тизими

### ХИЗМАТЛАР ИНТЕРФАОЛ ШАКЛГА ЎТКАЗИЛДИ

**Республика Президенти "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратган эди. Бугунги кунга келиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар соҳани изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоялашга хизмат қилмоқда.**

Шу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, суд-ҳуқуқ тизимига замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида, республика Олий суди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда 2013 йил 17 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида "Фуқаролик суд ишларини юритишни ислоҳ қилиш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган "E-SUD" – электрон суд иш юритиш тизимининг тақдимоти бўлиб ўтганди. Эндиликда ушбу электрон дастур вақт ва амалиёт синовларидан ўтиб, самара бера бошлади. Мазкур дастур асосида иш юритиш натижасида судьялар ва суд ходимларининг вақти ҳамда турли сарф-харажатлар кескин тежалишига эришилди.

Куни кеча фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига электрон суднинг Ўзбекистонда ишлаш тизимини кузатиш учун бир гуруҳ хорижлик экспертлар ташриф буюришди. Учрашувда Америка Қўшма Штатлари Федерал суд маркази директори, федерал судья Жереми Фогел ҳамда Федерал суд марказининг тадқиқотлар бўлими директори, федерал судья Жеймс Иглин ва "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг минтақавий директори Мюша Север хоним қатнашдилар.

– Янги тизим йўлга қўйилиб, судлар кўрсатаётган қатор хизматлар интерфаол шаклга ўтказилди. Даъво аризаси ҳамда илтимосномалар ёзиш ва фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, судда кўриладиган куни ва вақти ҳақидаги маълумотлар, ажримлар, суд актларини олиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита интернет орқали бажариладиган бўлди. Ундан фуқаролик ишлари материаллари билан танишиш ва судлар ҳақида маълумот олишда ҳам фойдаланиш мумкин, – дейди республика Олий суди судьяси, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Холмўмин Ёдгоров.

Ушбу самарали тизим орқали фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида йилнинг 5 ойи давомида 3 минг 210 та фуқаролик иши кўриб чиқилиб, якунига етказилди.

"E-SUD" – электрон суд иш юритиш тизими жорий этилгандан буён 39 минг 760 та суд буйруғи қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида, авваламбор, судга иши тушган фуқароларимизга енгилликлар яратмоқда.

Шунингдек, ушбу ҳамкорлик дастури доирасида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди биноси замон талабларига мос қилиб қайта таъмирланиб, фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Кенг ва ёруғ кутиш хоналари, жисмоний имконияти чекланганлар учун мўлжалланган йўлаклар, болалар учун махсус ва тиббиёт хоналари мавжуд.

**Наргиза МАҲКАМОВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи.**

Кўрик-танлов

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014 – 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимининг "Ҳамшира – 2015" кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказиш ҳақидаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида вилоят "Маданият ва маърифат маркази" саройида навбатдаги кўрик-танлов ўтказилди.**



# ҚЎЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРАЛАР

Вилоят шаҳар ва туманларида ўтказилган ҳудудий танловлар ғолиблари бешта шарт бўйича қизғин беллашдилар. Барча шартлар бўйича юқори натижаларга эришган Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Муниса Ҳошимова кўрик-танлов ғолиби бўлди, 2-ўрин Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Наргиза Муҳитовага ва 3-ўрин Бўка туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Дилдора Эргашевага насиб этди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига вилоят ҳокимлиги, Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Учта совринли ўрин соҳибларига вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши телевизор, микротўлқинли печь ва чангютгич совға қилди.

Кўрик-танловда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Толиб ҲАКИМОВ.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

Шундайлар бор бўлсин

# ТОҒУ ТОШЛАРДА ПОЮ ПИЁДА

Вилоятимизнинг қадимий тарихий обидалари, қадамжолари ҳақида мухтасар маълумот, чуқур мулоҳазага эгалиги афсона, ривоятлар билимдони сифатида танилиши, одамларнинг меҳрини қозонишида муҳим аҳамиятга эга бўлди дейиш мумкин.

– Зарифахон иш бошлаганида ҳали жуда ёш эди, – дейди унинг устози, 96 ёшли отахон Миртурсун Мирсоатов. – Лекин, ўз ишига беқиёс меҳри, қизиқиши, интилиши, тиришқоқлиги боис кўпгина ютуқларга эришди. Бу ютуқлар ўз-ўзидан келмади. Аёл боши билан тоғу тошларни гоҳ отлиқ, гоҳ пиёда кезган пайтлари кўп бўлган. Қисқасини айтсам, Зарифа вилоятимизнинг ҳар бир қарич ерини, ёдгорликлари, обидалари тарихини пухта ўзлаштирган мутахассис.

Айниқса, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон "Прометей" ватанпарварлик қидирув бирлашмасидаги ташаббускорлиги таҳсинга лойиқ. Унинг раҳбарлигида уруш пайтлари қанча-қанча дом-дараксиз кетган жангчилар излаб топилиб, оилалари хабардор этилди. Улар оталари, боболари қабрларини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлишди. Қарийб 30 йил давом этган қидирув ишлари натижасида номлари аниқланган ўзбекистонлик жангчилар яқинларининг ўксик қалблари таскин топди. "Номаълум"лик тамғасидан халос бўлинди.

Бу ҳақда Юртбошимиз айтганларидек, ёт элларда, жанг майдонларида жон олиб-жон берган, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар нима учун "номаълум солдат" дейилар экан?

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси, кўрсатмаси билан ташкил этилган хотира китобидаги минглаб жангчилар номлари шундай қидирув ишлари туфайли тикланган. 16 йил давомида Зарифа Эшмирзаева муаллифлигида эфирга узатилган "Ўтмишсиз келажак йўқ" кўрсатуви шу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳосиласидир.

Шу ўринда айтиш керак, хотира ва қадрлашнинг юксак намунасини намойиш этган мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати бошқаларга ибрат бўлгулик. Бундай хайрли ишларда энг фаол иштирок этган қидирув экспедицияси Зарифахон Эшмирзаева раҳбарлигида қанча-қанча бедарак кетган жангчиларнинг дарагини топди, оиласига хабар берди. Уларнинг жасадлари миллий урф-одатларимизга амал



қилинган ҳолда қайта дафн этилди. Уруш қурбонлари хотираси йўлида олиб борилаётган ишлар ҳатто чет эллик биродарларимизнинг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Зарифа Эшмирзаевага "Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотирасини абадийлаштиришга қўшган ҳиссаси учун" медали топширилгани ҳам бежиз эмас.

– Бу борадаги ишларимиз ҳамон давом этмоқда, – дейди З. Эшмирзаева. – Яқинда Россия ботқоқларида қолиб кетган бир самолёт олиб чиқилди. Қарийб 72 йилдан буён ботқоқ тубида ётган самолётда ўзбек ўғлони ҳам бўлган экан. Унинг исм-шарифини аниқлаб, қариндош-уруғларини топдим, "Сағбон" маҳалласида яшашар экан. Қариндошлари энди унинг зиёратига боришади.

Хуллас, "Олтин мерос"нинг хайрли амаллари ҳамон давом этмоқда. Вилоятимиздаги Пайғамбар ота, Заркент ота, Шомирқори авлиё зиёратгоҳларининг қайта тикланиши, Оҳангарон туманидаги Шоабдумалик бобо зиёратгоҳи ҳамда бошқарма иш режасидан ўрин олган қатор қадамжолар таъмири Зарифа Эшмирзаева бошчилигида давом этиши аниқ. Бу борада, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси республика бошқармаси раиси Амирқул Каримов, техника фанлари доктори, академик Абдурашид Ҳасанов, архитектор Муҳаммад Фозилий каби ҳамкорлар ёрдами, мадади эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилиши аниқ. Ҳозирги кунда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида яратилган: "Шоҳрухия – Тошкент воҳаси жавоҳири"," Илоқнинг азалий мероси", "Шайх Умар Валийнинг мўъжиза боғи" каби телефильмлар "Олтин мерос" хазинасидан муносиб ўрин олган.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

**Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ўтказилган экология ҳафталиги доирасида Чирчиқ шаҳрида "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда аҳоли фаоллигини кучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли" мавзуида семинар ташкил этилди.**

# ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси экоҳаракат депутатлари гуруҳи, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси ҳамкорлигида уюштирилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, экоҳаракат фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ходимлари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда асосий эътибор мамлакатимизда маҳаллий, минтақавий ва глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда жамоатчилик иштироки ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилди.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, ушбу йўналишдаги давлат дастурлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, Оролбўйи муаммосига бағишланган видеофильм намойиш этилиб, мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Эҳтиром

# ҚЕКСАЛИК СУРУРИ

Халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши ташаббуси билан "Файзобод" маҳалласида "Кексаларни эъзозлаш учун доим масъулмиз" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.




Давра суҳбатида Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, маҳалланинг нуроний отахон ва онахонлари иштирок этишди.

– Бир пиёла чой устида суҳбатлашишнинг гашти ўзгача бўларкан, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Олима Каримова. – Кексаларни ардоқлаш озод ва обод юртимизга хос анъанадир.

Тадбир сўнгида "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши депутати Мурод Мирзахалилов биринчи гуруҳ ногирони Холматжон Турғуновга ногиронлик аравачасини топширди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Хусусий тадбиркорлик

# ИҚТИСОДИЁТДА ЕТАКЧИ КУЧ

"Зулфиябону чевар" хусусий корхонаси ҳам трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. 2007 йилда фаолият бошлаган корхона ҳозир 23 та дастгоҳга эга, 8 хотин-қиз доимий иш билан таъминланган.

– 2014 йилда шаҳар ҳокимлиги ёрдами билан бўш турган нотураржой биносини ноль қийматда балансимизга олдик. 150 миллион сўмлик инвестиция киритиб, бинони қайта реконструкция қилаяпмиз. Уни мустақиллик байрамигача битириб, ишга тушириш ва ишчиларни 20 кишига етказиш ниятидамиз. – дейди корхона раҳбари Ўғилжон Мирзамуродова.

– Ўғилжон опа бу йилги "Ташаббус – 2015" танловининг вилоят босқичида "Энг яхши тадбиркор аёл" номинацияси бўйича ғолибликка сазовор бўлди, – дейди ҳамроҳим, Бекобод шаҳар ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Шерали Исмоилов. – Опамиз шаҳар тадбиркор аёлларининг етакчиси ҳамдир.

"Тадбиркор аёл" ассоциацияси шаҳар бўлими раҳбари Ўғилой Мирзамуродованинг "Бекобод шаҳар ва туман хотин-қизлари ва ёшлари ҳамда ногиронларни тадбиркорлик (тикувчилик ва тўқувчилик) асосларига ўргатиш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш" номли лойиҳаси 2014 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 15 миллион сўмлик грантига сазовор бўлди. Айни пайтда лойиҳани амалга ошириш қизғин бормоқда. Лойиҳа доирасида кўпгина тадбиркорлик субъектларида аёллар ва ёшларга, айниқса, ногиронларга тикувчилик ва тўқувчилик сирларини ўргатишга жиддий эътибор қаратилмоқда, уларни ишга жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мониторинг

**Юртимизда бозор муҳитига мослашиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар қаторида хориж инвестицияси жалб этилган қўшма корхоналар ҳам фаолият юритаётгани экспорт, валюта тушуми ва малакали мутахассислар кўпайишига, кўплаб ёшлар муқим иш билан таъминланишига имконият яратмоқда. Шунингдек, қўшма корхоналар шарофати билан жаҳоннинг энг илғор технологиялари, техника ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш жараёнларига кириб келмоқда. Хусусан, биргина Тошкент вилоятида 2015 йил 1 апрель ҳолатига давлат реестрида 268 та хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мавжуд. Шу йилнинг ўтган даврида 7 та корхона, шундан 5 та қўшма ва 2 та хорижий корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилди.**

# ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ ҲИМОЯСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Жумладан, Бўстонлиқ туманидаги устав жамғармаси 1 085 748,32 АҚШ долларилик "BUTSIFAL GROUP" МЧЖ ҚК, Янгийўл туманидаги 150 000 АҚШ долларилик "OPENPLAST INVEST" МЧЖ ҚК ва 150 000 АҚШ долларилик "COTTON BRIDGE" МЧЖ ҚК, Юқори Чирчиқ туманидаги 150.732,04 АҚШ долларилик "YUQORICHIRCHIQ METALL INVEST" МЧЖ ҚК ва 611.073,37 АҚШ долларилик "KENTAVRUS DPKS" МЧЖ ХК, Ўрта Чирчиқ туманидаги 150.000 АҚШ долларилик "MEI LIN TEXTILE" МЧЖ ҚК ҳамда Қибрай туманидаги 364.000 АҚШ долларилик "UKOR-MEDICS" МЧЖ ХК бошқарма томонидан давлат рўйхатига олинди.

Бошқарма хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида улар фаолиятида тизимли мониторинглар ўтказмоқда. Хусусан, назорат қилувчи органлар 2014 йилнинг 2-ярмида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда ўтказган текширишлар давомида текширишларни рўйхатга олиш китобларига киритилган ёзувларнинг қонунийлигини мониторинг қилиб, баъзи камчиликларга йўл қўйилаётганини аниқлади. Жумладан, "AMMOFOS-MAXAM" АЖ ҚКда 2014 йил октябрь ойида ўтказилган текширишда вилоят давлат ветеринария бошқармаси текширишларни рўйхатга олиш китобининг 2-устунида текширувчи орган раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган.

Бироқ, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида текширишларни рўйхатга олиш китобининг 2-устунида текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши белгиланган. Бундан ташқари, корхонада юритилган текширишларни рўйхатга олиш китобининг 3-устунида гувоҳнома (шу жумладан, махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган ташкилот номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган.

Ҳолбуки, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 10-банди 3-устунида текширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан, махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган ташкилот номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилиши белгиланган.

Бу каби ҳуқуқбузарликларга вилоят ИИБ ЁХБ иккита ва вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси битта хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни текширишда йўл қўйган.

Мониторинг натижасига кўра, юқорида қайд қилинган назорат қилувчи органларга тақдимномалар киритилиб, ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган ходимлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Бошқарма вилоят ҳудудида рўйхатдан ўтган, бироқ фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борган мониторинглар давомида устав фондини шакллантирмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни аниқлаб, тугатиш жараёнидаги "EAST WEST COTTON" МЧЖ ҚК ва "INTERFINANCE TEXTILE" МЧЖ ҚК устав фондларини шакллантиришда қўшимча муддат берилиши юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссияга кўрсатмалар киритди.

Доимий ишловчи махсус комиссиянинг 2015 йил 27 февралдаги йиғилиш баёнига асосан "EAST WEST COTTON" МЧЖ ва "INTERFINANCE TEXTILE" МЧЖ ҚКларнинг фаолиятини давом эттиришлари мақсадга мувофиқ деб топилиб, уларга устав фондини шакллантиришга қўшимча 6 ой муддат берилди.

Бундан ташқари, бошқарма тадбиркорлик субъектлари, хусусан, хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан вилоятнинг "Тошкент ҳақиқати" ва барча туман (шаҳар) ижтимоий-сиёсий газеталарида бўлимнинг ишонч телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган эълонлар чоп эттирди.

**М. АБДУҲАМИДОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси масъул ходими.**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан бирга "Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар кўрик-танлови"ни эълон қилади.**

Танлов маҳаллий ва иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги 5 та йўналишни ўз ичига қамраб олади:

1. "Озиқ-овқат саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
2. "Кимё саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
3. "Текстиль саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
4. "Қурилиш материаллари саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
5. "Машинасозлик ва электротехника саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа".

Танловда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

- тадбиркорлар, фермерлар;
- илмий тадқиқот институтлари мутахассислари;
- олимлар;
- тадқиқотчилар гуруҳи;
- олий ўқув юртлари ходимлари.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 3 та ўрин жорий қилинган бўлиб, ғолиблар махсус диплом ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Танловда иштирок этиш ва баҳолаш тартиби, мезонлар ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби юзасидан танловни ўтказиш бўйича ишчи штаби ҳисобланган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига қуйида келтирилган телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз ёки www.nbu-export.uz сайти орқали маълумот олишингиз мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йил 1 июнь – 31 июль кунлари оралиғида ишчи штабга тақдим этилиши лозим (кечиктириб тақдим этилган лойиҳалар танловга қўйилмайди).

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси**

Тошкент шаҳри, А. Темур шоҳкўчаси, 4-уй.
Телефон: 0-371 150-60-09, 239-19-56. Факс: 0-371 232-09-03. E-mail: region@chamber.uz; web-site: www.chamber.uz

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси**

Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 1-уй. Телефон: 0-371 244-66-35. Факс: 0-371 244-35-28. E-mail: info@nbu-export.uz; web-site: www.nbu-export.uz

Болалар ёзи – 2015

# ОРОМГОҲЛАР ЎҚУВЧИЛАРНИ БАҒРИГА ОЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг болалар ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи йиғилиши баённомасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча болалар оромгоҳлари бу йилги мавсумда ҳар қачонгидан ҳам мароқли дам олиш учун шай ҳолга келтириб қўйилди.**



Бу йил ёз мавсумида вилоятдаги мавжуд 20 та стационар болалар оромгоҳларида уч босқичда 14 минг 814, шунингдек, вилоят халқ таълими тасарруфидаги мактабларда ташкил этилган 130 та кундузги оромгоҳларда 17 минг 500, вилоят бўйича жами 32 минг 314 ўқувчи ўғил-қизларни дам олдириб, соғломлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, экологик вазият нисбатан мураккаброқ бўлган Хоразм вилоятидан 1250 ўғил-қизни ҳам қабул қилиб олиб, энг яхши оромгоҳларда дам олдириб, соғломлаштиришни юксак савияда ташкил этиш чоралари кўриб қўйилган.

Барча оромгоҳларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш чора-тадбирлари барвақт бажарилиб, миллий истиқлол ғояларини тарғиб этувчи плакат ва банерлар билан безатилган. Таълим-тарбия ишларини ташкил этиш режалари ишлаб чиқилиб, малакали педагог ва етакчилар тайинланган. Маънавият-маърифат ҳамда компьютер хоналари ва, албатта, кутубхоналар ташкил этилиб, лозим даражада жиҳозланган. Шунингдек, оромгоҳлар бутун мавсум давомида зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли тиббий дори-дармонлар билан таъминлаб борилади. Бир сўз билан айтганда, болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқариш билан бирга, билимларини янада бойитишлари учун барча қулайликлар яратилган.

Дарвоқе, вилоятимиздаги гўзал манзарали, соя-салқин оромгоҳлардан бири бўлган Паркент тумани Сумча қишлоғидаги "Бойчечак" ва Ўрта Чирчиқ тумани Туябўғиз шаҳарчасидаги "Меҳржон" оромгоҳлари ўтган чоршанба куни Хоразм вилоятилик болаларнинг дастлабки гуруҳини ўз бағрига олди. Айни пайтда ҳар икки оромгоҳда 200 дан ўғил-қиз ҳордиқ чиқаришни бошлаб юборишди.

Аввалдан тузилган режага мувофиқ, бу йилги мавсумда "Бойчечак" оромгоҳида биринчи ва иккинчи босқичларда 200 нафар, учинчи босқичда 150 нафар, жами 550 хоразмлик болалар дам олишади. "Меҳржон"да эса ҳар бир босқичда 200 нафардан, яъни мавсум давомида 600 бола ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклайди.

Шунингдек, "Назарбек Автойўл" давлат корхонасига қарашли "Йўлчи" оромгоҳи ҳам хоразмлик юз ўғил-қизни қабул қилади.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**




## ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ҚОНУН

**Америка Қўшма Штатлари сенати амалдаги қонунга мамлакат ҳукуматига фуқаролар хатти-ҳаракати тўғрисида оммавий маълумотлар тўплаш ҳуқуқини таъминловчи ўзгартиш киритишни рад этди.**

Ушбу тузатишда махсус хизмат ходимларининг америкаликларнинг телефон орқали сўзлашувлари хусусида маълумот тўплаш ҳуқуқини чеклаш назарда тутилган эди. Айни пайтда сенатда республикачилар ва демократчилар етакчиларининг маърузалари давом этмоқда. Жумладан, республикачи кўпчилик етакчиси Митч Макконелл ўз маърузасида янги ҳужжатга қарши фикр баён этди. Янги ўзгартиш қабул қилиниши учун камида 60 фоиз овоз олиш керак эди.

Ушбу қонуннинг расмий вазифаси терроризмга қарши курашдир. Айниқса, асосий эътибор якка тартибда ҳаракат қилувчи террорчиларга қаратилиши зарур. Зеро, америкаликлар "ёлғиз бўрилар" деб ном берган бу қўпорувчилар нималарни режалаштиришаётганини олдиндан билиш қийин.

Махсус хизмат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг гапига қараганда, қонунга мувофиқ телефондаги сўзлашувлар хусусида тўпланган маълумотлар таркибига кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар эгалари, вақти, жойи ва давомийлиги киради. Аммо, энг муҳими, яъни сўзлашувлар нима ҳақида эканлиги бундан мустасно.

## ЧЎККАН КЕМА ЙЎЛОВЧИЛАРИ ҚИСМАТИ НОМАЪЛУМ

**Хитойнинг шимолидаги Янцзи дарёсида ҳалокатга учраб, чўкиб кетган "Дунфанчжисин" теплоходининг 428 йўловчиси тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.**



"Сина" янгиликлар портали орқали тарқатилган хабарда келтирилишича, қутқарувчилар 14 кишининг жасадини топдилар. Маълумки, ушбу сайёҳлик теплоходи шу ҳафтанинг душанба куни Цзянли шаҳри ҳудудида ҳалокатга учраган эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, унинг бортида жами 456 киши бўлиб, улардан 405 нафари сайёҳлар, 46 нафари экипаж аъзоси ва 5 нафари тилмочлар эди. Ушбу сайёҳлик лайнери у қадар йирик бўлмасада, бортига 534 кишини олиш имкониятига эга эди.

## ЕЛИЗАВЕТА II ЧИНДАН БЕТОБМИ?

**Британия қироллиги саройи жаҳон оммавий ахборот воситаларида 89 ёшли қиролича Елизавета II бетобланиб, шифохонага тушгани ҳақида пайдо бўлган маълумотларни рад этди.**

Букингем саройининг баённомасида айтилишича, ҳақиқатан ҳам монарх шифохонага тушган. Бироқ, бунинг сабаби режа асосидаги анъанавий тиббий кўрикдан ўтиш эди. "Мен тасдиқлашим мумкинки, қиролича эрта билан Лондондаги Қирол Эуард VII номидаги шифохонага бориб, анъанавий йиллик тиббий кўрикдан ўтди, – деди саройнинг расмий вакили. – Кўрик тугагач, қиролича ўз қароргоҳига йўл олди.

## САЙЁҲЛАР ЭНГ ЁҚТИРГАН ШАҲАР

**The Independend нашрининг тадқиқотлар натижасига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Лондон дунёда энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган шаҳарлар рейтингида биринчи ўринни эгаллади.**

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2015 йилда Британия пойтахтига 18,8 миллион сайёҳ ташриф буюриб, бу ерда улар 13,3 миллиард фунт маблағ сарфлайдилар. Умуман сайёҳлар ёқтирадиган 10 та шаҳарлар қаторида Лондондан кейин Бангкок, Париж, Дубай, Истамбул, Сингапур бор. Лондон эса, юқоридаги нашрнинг таъкидлашича, беш йилдан бери шу ўнталикка етакчилик қилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран тафаккурли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ватанимизда инсон азиз, унинг қадр-қиммати юксак. Айниқса, униб-ўсиб келаётган фарзандларга меҳр-эътибор кўрсатиш азалий қадриятларимиздан. Зеро, баркамол авлод – мамлакат келажаги.

Пойтахтимиздаги "Локомотив" маданият ва истироҳат боғида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида ўтказилган байрам тадбирида бу жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлди.

"Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари таклиф этилди.

Алоҳида эътиборга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида зарур шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг кўламли эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур боғда – кичкинтойларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилгани ҳам бунинг исботидир.

Боғдаги барча аттракционлардан болалар бепул фойдаланди. Куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача кўтаринкилик бахш этди.

**Ш. МАМАТУРОПОВА, ЎзА мухбири.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ОТА ДУОСИ

Раҳмон отани ёшлигимдан биламан. Умри меҳнат билан ўтган. Тўнғич ўғли Турдибой мактабга башанг кийиниб келарди. Отаси ҳар куни берадиган пул билан гердайиб мактаб буфетига кирарди.

Йиллар ўтди. Мактабни тугатиб, кимдир ўқишга кирди, кимдир ишга жойлашди. Турдибой мактабни бир синф олдин битирган бўлсада, ҳамон кўча чангитиб юрарди. Тез орада армияга чақирилди, бироқ йўлда поезддан тушиб қолиб, яшириниб юрди, охири безорилик қилиб, узоқ муддатга қамалиб кетди. Бу ҳол бир неча бор такрорланиб, ўттиз беш йил умрини турмада ўтказди.



Бир куни Раҳмон отанинг эшигидан ўтаётиб, навбатдаги қамоқдан эндигина келган Турдибойнинг етмишдан ошган отасини бўралаб сўкаётганини эшитиб қолдим:

– Падарингга лаънат сени!.. Мени ўқитмагансан, бошқа оталар каби машина олиб бермагансан. Ўзинг ҳам бир умр пулга ёлчимадинг, мен ҳам рўшнолик кўрмадим.

Турдибой тинмай алжирар, омадсизлиги учун аламини отасидан оларди. Орадан кўп ўтмай, ота дуосини ололмаган Турдибойнинг маст-аласт ҳолда кўчада совуқдан қотиб қолганини эшитдим...

Бакир исмли олифта йигитни шаҳарда ишлай бошлаганимда танидим. Озгина ичиб олса, жуда айнир, ҳамма ундан қочишга уринарди. Нафақат бегоналар, балки ўз падари бузрукворига ҳам қўл кўтарди. Шу тариқа отасининг дуосини олиш ўрнига, унинг қарғишига учради.

Тўғри, аввалига Бакирнинг омади чопди, тадбиркорлиги юришгандан-юришиб, бойиб кетди. Сўнгги русумдаги машина олди. Ўзига ўхшаган "бойваччалар" билан улфат бўлди. Бир неча йил олдин вафот этган отасини бутунлай унутди, унинг хотирасини ёдга олмай қўйди.

Аммо, кўп ўтмай, ота қарғиши ўз ишини қилди. Бир куни Ангрен шаҳридан маст ҳолда "Нексия"сида келаётиб, Қорахитойга келаверишдаги Четанмозор бурилишида машинаси ағдарилиб, ҳалок бўлди...

Халқимизда "Ота рози – худо рози", деган ҳикматли гап бор. Бироқ, Турдибойга ўхшаб, отасига аччиқ қилиб, норози бўлиб юрганлар ҳам топилади. Мана, ҳозир бозор иқтисоди, омадингни синаб кўр, ер ол, деҳқончилик қил, чорва билан шуғуллан, сенга ким халақит бераяпти? Ўзинг дангаса бўлсанг, рўзғорнинг борди-келдисини билмасанг, бошқани айблаб нима қиласан?

Иши юришган бир-икки тадбиркорни биламан, Шукроналик билан яшайди, етим-есирларга ёрдам беришни канда қилмайди. Яқинда шу тадбиркорлардан бирининг тўйида бўлдим. Тўёна берай десам: "Ана отам турибдилар, тўёнани уларга беринг", деб қолди. Яна бир куни шу тадбиркор отасини нақадар эъзозлаши, ҳамма ишни бамаслаҳат қилишига гувоҳ бўлдим. Отасини Ҳаж зиёратига юбориб, дуосини олди.

Яна бир корхона раҳбарини биламан. Тўй олдидан бир йўқлаб борган эдик. Қарасак, қўлида чўтка, панжара бўяб юрибди. "Бирортасини ишга солмабсизда" десак: "Бу ишни менга отам буюрувдилар, уларнинг гаплари мен учун қонун", деди.

**Озод ХУШНАЗАРЗОДА.**

Танлов

# КИТОБГА МЕҲРНИ КАТТАЛАРДАН ЎРГАНДИК

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида "Мен, ота-онам, бобом ва бувим – китобхон оила" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатларда болаларнинг китобга бўлган меҳрини, мутолаа маданиятини юксалтириш, ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини тобора мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида ўқувчилар ўртасида бадиий адабиётга қизиқишни ошириш, уларда ёши улуғ инсонларга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Республика болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

"Мен, ота-онам, бобом ва бувим – китобхон оила" кўрик-танловидан кўзланган мақсад ҳам китоб орқали болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш, оилавий китобсеварлик тарғиботида ота-оналарнинг фаоллигини кучайтиришдан иборат.

Танлов жараёнида ёш китобхонларнинг болалар бадиий адабиёти маъно-мазмунини нечоғли теран англагани, бунда ота-оналари, бобо, бувиларининг ҳиссаси ва иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Танловда олий ўрин Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Вазирахон Зайнобиддиновага насиб этди. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Сарвиноз Ғофурова биринчи ўринга муносиб топилди. Барча ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Биласизми?

## *Машаққатдан кейин*

Procter & Gamble компаниясининг кимёгари Виктор Миллзга бир куни қизининг болаларига қарашига тўғри келади. Набираларининг ҳўл тагликларини алмаштириб, уларни ювиб-қуритиш машаққат эканлигини кўргач, у бир марталик кийиладиган тагликлар яратиш устида бош қотиради. Бир нечта тажрибалардан сўнг P&G Pampers деб номланган янги маҳсулотини омма эътиборига ҳавола қилади.

## *Фикридан воз кечди*

1919 йилнинг июнида Техас штатидаги Сиско шаҳрига 31 ёшли Конрад Хилтон ташриф буюради. У бир йил илгари банк очган ва инқирозга учраганди. Чўнтагида 5000 доллар пули бўлган Конрад янги банк очиш ёки бирорта банкни сотиб олиш учун келганди. Аммо тез орада унинг режаси ўзгариб кетди. Хилтон кечки пайт маҳаллий Mobley меҳмонхонасига келди. Омадсиз банкирни бўш хона учун бир-бирлари билан жанжаллашаётган одамлар ҳайрон қолдирди. "Бунча мижоз ҳар қандай тижоратчининг орзуси-ку" деган фикрга келди Хилтон. Меҳмонхона эгасининг эса ғалвага тоқати йўқлиги ва меҳмонхонани сотмоқчи эканлиги маълум бўлгач, Хилтон банк очиш фикридан воз кечди ва зудлик билан меҳмонхонани сотиб олди. Орадан олти йил ўтгач, у Далласда ўз номи билан аталувчи Dallas Hilton меҳмонхонасини очди. Ҳозирда эса Hilton меҳмонхоналар тармоғи дунёнинг деярли барча мамлакатларида ҳашаматли меҳмонхоналар қуришга эришган.

Сураткаш ҳазили




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3096. Адади 13728. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.